

Она азиз - она мўътабар

2018 йил 9-март куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4 - сонли талабалар турар жойида “Гидромелиорация” факультети хотин-қизлар қўмитаси раисаси Дилфузада Мадазизова, “Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси” кафедраси катта ўқитувчиси Шоҳида Раупова ҳамда 4 - сонли талабалар турар жойи тарбиячи-педагоги Жавлонбек Қутлимуротовлар томонидан “Она азиз - Она мўътабар” мавзусида тадбир ўтказилди.

Аёл!

Аёлни алдаманг хиёнат килманг.

У сизни алдаса ёмон бўлади.

Ишончига киргач жиноят қилманг.

Номарднинг устози ҳайвон булади.

Аёлни алдаманг у сизни Севиб

Жонининг учida эҳтиёт қилиб.

Битта ёлғон билан қолмасин совиб.

Атиргул баргига тикон бўлади.

Аёлни алдаманг. У Она. У ёр

У меҳрибон сингил, опа, вафодор

Унга зифирчалик бермангиз озор

Покиза номлари ҳаром бўлади

Аёлни алдаманг уни авайланг

Ахир, У сиз учун яшайди ўйланг.

Нозиккина Гулни сўлдириб қўйманг

Ким унга сизчалик қалқон бўлади.

Тадбирни факультет хотин-қизлар қўмитаси раисаси Дилфузада Мадазизова очиб берди.

“Гидромелиорация” факультети Ёшлар иттифоқи аъзолари Комила Жуманиёзова тадбирни чиройли матн ва “Она” ҳақидаги шеър билан бошлади.

Сўнг талаба қизларга Тўти Юсупованинг “Она хати” монологи намойиш этилди.

“Гидромелиорация” факультети Ёшлар иттифоқи аъзолари Мадина Юсупалиева, Меҳрангиз Исройлова ва Сожида Турдалиевалар томонидан “Она” ҳақида чиройли ва мазмундор шеърлар ўқилди.

Тадбир сўнгида Ўлмас Оллоберганов ижросидаги “Она” қўшиғи ва клипи намойиш этилди.

Тадбир жуда чиройли ва сермазмун ўтди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар.



4 -ТТЖ тарбиячи-педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов